

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАКУЛОВ ИБРОХИМ РАВШАНОВИЧ

**НОАНЪАНАВИЙ МАШҚЛАР ЁРДАМИДА ТАЛАБА-ҚИЗЛАРНИНГ
ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОШИРИШ УСЛУБИЯТИ**

13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АФТОРЕФАРАТИ**

ЧИРЧИҚ-2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
афтореферати мундарижаси**

**Оглавление афтореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Туракулов Иброхим Равшанович

Ноанъанавий машқлар ёрдамида талаба-қизларнинг жисмоний
тайёргарлигини ошириш услубияти 3

Туракулов Иброхим Равшанович

Методика повышения физической подготовленности студенток-девушек с
помощью нетрадиционных упражнений.27

Turakulov Ibroxim Ravshanovich

The methods of increasing the physical preparation of female students with the
help non-traditional exercises 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works53

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАКУЛОВ ИБРОХИМ РАВШАНОВИЧ

**НОАНЪАНАВИЙ МАШҚЛАР ЁРДАМИДА ТАЛАБА-ҚИЗЛАРНИНГ
ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОШИРИШ УСЛУБИЯТИ**

13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АФТОРЕФАРАТИ**

ЧИРЧИҚ-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В 2018.1 PhD/Ped392 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетида bajarилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюми)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.jtsu.uz ҳамда "ZiyoNet" ахборот таълим порталига www.ziyo.net жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Арзикулов Мукум Уралович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Расмий оппонентлар:

Тажибаев Сойиб Самижонович
педагогика фанлари доктори (DSc), профессор

Рахимов Владимир Шавкатович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети хузуридаги DSc.03.30.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "30" сентябрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19 уй. Тел: (0-370) 717-17-79, 717-27-27; факс: (0-370) 717-17-76; веб-сайт: www.jtsu.uz, e-mail: info@jtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети "Б" биноси, 2-қават, кичик анжуманлар зали.

Диссертацияси билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (21602 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19 уй.) Тел: (0-370) 717-17-79, 717-27-27; факс.: (0-370) 717-17-76

Диссертация автореферати 2021 йил « 12 » 17 да тарқатилди.

(2021 йил « 12 » 17 даги 42 рақамли реестр баённомаси).



М.В. Болтабаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.Х. Миржамоллов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д. (PhD), доцент

Ф.А. Керимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси п.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида соғлом авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда мамлакат аҳолиси саломатлигини яхшилаш масалалари устувор йўналишлардан бири бўлиб келмоқда. Дунёда кечаётган жараёнлар инсон организмидаги иммун тизими фаолиятини ошириш учун аҳолининг барча қатламларида, хусусан қизларнинг ҳаракатга бўлган фаоллигини ошириш талабини кўймоқда. Кўпгина давлатларда олий таълим муассасаларидаги жисмоний тарбия машғулоти талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлигига бўлган эҳтиёжини шакллантириш учун хизмат қилиб келмоқда.

Жаҳон амалиётида олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талаба-қизларни асосан енгил атлетика, сузиш ва фитнес машғулоти асосида жисмоний имкониятларини ошириш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Хусусан, қадди-қоматини тўғри ривожлантириш, бўғимларни ҳаракатчанлик имкониятини ошириш, фаол ишчанлик қобилиятини ушлаб туриш, турли ёшларда жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини яхшилаш масалалари тадқиқотчилар томонидан илмий асослаб берилган. Талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш ҳамда уларнинг организмига замонавий воситалар таъсирини ўрганиш муаммоларига бағишланган тадқиқотлар етарлича очиб берилмаган. Бугунги кунда дунёдаги ижтимоий шароитдан келиб чиқиб, талаба-қизларни ноанъанавий воситалар орқали ҳаракат кўникма ва малакаларини оширишга қаратилган тадқиқотларни илмий асослаб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Республикада жисмоний тарбия машғулотида ноанъанавий воситалар ёрдамида талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлик ва ички имконият даражасини ошириш, саломатлигида учрайдиган турли ўзгаришларни олдини олиш ёки ривожланиш суръатини камайтириш масалалари долзарб муаммолардан бири ҳисобланмоқда. «Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш»¹ вазифасини кўймоқда. Айни пайтда, олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулотида ўқув режалардаги соатларнинг мунтазам камайиб бориши кузатилмоқда, ваҳоланки жисмоний тарбия машғулоти талабаларнинг жисмоний тайёргарлигини сақлаб қолишнинг ягона йўли ҳисобланади. Олий таълим муассасаларида талаба-қизларни жисмоний тайёргарлиги бўйича соғломлаштирувчи гимнастика (аэробика) ва миллий спорт турининг воситалари асосида талаба-қизларни жисмоний ҳаракат фаоллигини ошириш вазифаси қамраб олинган. Бироқ, илмий тадқиқотларда талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш бўйича ноанъанавий воситаларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори. www.lex.uz.

ўзига хос хусусиятлари етарлича инобатга олинмаган. Жисмоний тарбия ресурсларидан тўғри фойдаланиб ноанъанавий воситалар асосида жисмоний тарбия машғулотлари учун дастур ишлаб чиқиш, ноанъанавий воситалар ва методларини табақалаштириб оқилона танлаш, жисмоний тарбия дарсларида қўллаш, шунингдек, талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш жараёнини бошқариш каби масалалар долзарб бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сон “Соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг тадбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сон “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» билан боғлиқ устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавзуга доир илмий-методик адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, республикамизнинг қатор олимлар А.Абдуллаев, Ш.Х.Хонькелдиев, Ф.Аҳмедов, О.В.Гончарова, Б.Ш.Мадаминов, Р.С.Саломов, Т.С.Усманходжаев, Х.Тухтаходжаев олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия самарадорлигини ошириш, янги педагогик усуллар ва замонавий ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, таълим мазмунини яратиш ва муаммолари бўйича тадқиқотлар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайдилар².

Ю.Д.Железняк, Л.А.Лубышева, Л.П.Матвеев, В.П.Губа, М.Я.Виленский, В.В.Приходько, А.И.Федоров, В.Н.Береглазов, В.Г.Шилько, М.М.Боген, М.Е.Влос, Т.Baranowski, В.И.Ляхларнинг илмий ишларида жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашган ўқув юртлари ва жисмоний тарбия факультетлари учун таълим ва тарбиянинг янги, самарали педагогик технологиялари асосида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш услубиятини ишлаб чиққанлар³.

Республикамизда Ғ.А.Юсупов олий таълим муассасаларида талаба-

²Усмонхужаев.Т.С. Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти.//Тошкент.2004-й. 168 б, Абдуллаев А, Ханкелдиев Ш.Х. Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти. - Тошкент, ЎзДЖТИ. Дарлик, 2005. 219 б, Гончарова.О.В. Ёш спортчиларнинг жисмоний қобилиятларини ривожлантириш//Ўқув қўлланма. Тошкент.2005.й Б 46-47, Мадаминов.Б.Ш. 5-6 синфлар ўқувчиларга жисмоний тарбия дарсларида табақали индивидуал ёндашиш.//Тошкент.2005.й. 152 б, Аҳмедов.Ф.Т.Жисмоний тарбия жараёнини миллий анъаналарга жисмоний тарбия воситасида ташкил этишнинг дидактик воситалари.//Педагогика фанлари номзоди диссертацияси Жиззах. 2006.й Б 45-49, Тухтаходжаев.Х. Жисмоний маданият йўналиши талабалари билан ишлашда индивидуаллаштиришнинг илмий педагогик тамойили.//Тошкент. 2014-йил. Б 53-55.

³ Влос, М.Е. An alternative to least restrictive environments a continuum of supports to regulate physical education.//1992. р 97-103/, Приходько.В.В. Педагогические основы физкультурного образования студентов.//1992.г. С 22-232-233, Боген М.М. Физическое совершенство как основное понятие теории физической культуры // -1997.г. С 18-21,Baranowski T. validity and reality of self-report of physical activity an information processing perspective// Research quarterly 1998. 314-327, Лубышева.Л.А. Совершенствование системы физического воспитания оздоровления детей и учащейся молодежи в условиях различных климатографических зон.//2000.г.С 8-11, Губа.В.П. Измерения и вычисления в спортивно-педагогической практике.//2000.г. 85.с, Железняк.Ю.Д. Основы научно-методической деятельности в физической культуре и спорте// -2001.год. 264.с, Федоров.А.И, Береглазов.В.Н. Комплексный педагогический контроль как основа управления тренировочным процессом.//2001-г. С 29-37, Матвеев.Л.П. Терия и методика физической культуры. Формированные двигательные-координационные способности у школьников 9-10 лет в процессе внеклассных занятиях с игровой направленностью.//2002 г. 163 с, Виленский.М.Я. Личность студента в гуманитарном образовательном пространстве физической культуры// -2003 г. С 11-17 Шилько.В.Г. Физическое воспитание студентов на основе личностно-ориентированного содержания физкультурно-спортивной деятельности.//2003-год. С 57-104, Лях.В.И. Координационные способности диагностика развития.//2006.г. 290.с,

қизларни жисмоний тайёргарлиги бўйича соғломлаштирувчи гимнастика “классик аэробика”дан “фитнес аэробика” машғулотларини жорий этиш бўйича, М.М.Махмудова миллий спорт турининг воситалари асосида талаба-қизларни жисмоний ҳаракат фаоллигини ошириш масалалари бўйича тадқиқотлар олиб борганлар⁴. Бироқ, уларнинг илмий тадқиқот ишларида, ихтисослашмаган олий ўқув юртлари талаба-қизларининг жисмоний қобилиятларини оширишда, уларнинг хоҳиш-истакларини ҳисобга олган ҳолда жисмоний тайёргарлигини ошириш ва мустаҳкамлаш масалалари бўйича етарлича маълумотлар ўрганилмаган.

Ўтказилган илмий-услубий адабиётлар таҳлилидан талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлиги илмий методик адабиётларда жуда муҳим муаммо сифатида кенг муҳокама қилиниб келмоқда. Таъкидлаш зарурки, талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини ноанъанавий воситалари ёрдамида ошириш бўйича илмий асосланган ишланмалар етарлича очиб берилмаган. Ушбу вазифалар диссертация ишининг танлаб олинган йўналишлар бўйича умумий тушунча ва долзарблигини белгилаб беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд давлат университетининг V-I/41. “Ўқув машғулотлари жараёнида умумий курс талабалари ўртасида ўқитиш воситаларини тақсимлашнинг илмий-педагогик усулларини такомиллаштириш ва билимларни назорат қилиш” мавзусидаги илмий тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жисмоний тарбия билан шуғулланувчи талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини ноанъанавий машқлар ёрдамида ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлигида организмнинг меъерий талабларидан келиб чиқиб, фитбол ва тўлдирма тўп воситалари билан бажариладиган машғулотларни интеграциялаш ҳисобига ҳаракат фаоллигини оширишда ноанъанавий ёндашув тизими яратиш;

талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлик даражасидан келиб чиқиб, ёшига нисбатан ортиқча вазн ва вазн етишмовчилиги мавжуд бўлган қизларда “Бодибар” воситаларини саралаш ва тана қисмлари бўйича танлаб йўналтириш эвазига машғулотлар ишлаб чиқиш;

талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш учун машғулотларнинг тузилиши ва унинг мазмунидан келиб чиқиб, шуғулланувчиларни ички имкониятини ҳисобга олган ҳолда юклама меъёрларини бажарилаётган иш интенсивлигига мослаштириш эвазига ноанъанавий машғулотлар услубиятини ишлаб чиқиш;

талаба-қизларнинг ҳаракат кўникма ва малакаларини ошириш учун толиқиш ҳолатидан келиб чиқиб, “Бодибар” воситалари орқали организмни

⁴ Юсупов, Ф.А. “Соғломлаштирувчи гимнастика воситалари орқали талаба ёшларнинг жисмоний ривожланишини коррекциялаш методикаси” Пед. ф.б.ф.д (PhD) диссертацияси автореферати. Чирчиқ. 2020.й Б 24-26, Махмудова М.М. “Миллий спорт турини қўллаган ҳолда олий таълим муассасалари талаба қизларнинг жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш”. Пед. ф.б.ф.д (PhD) диссертацияси автореферати. Чирчиқ 2020.й Б 3-5.

қайта тиклаш рекреацион микромашғулотларни ишлаб чиқиш ҳисобига юқори ишчанликни сақлаб туриш имкониятини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд давлат университети талаба-қизларининг жисмоний тарбия машғулоти жараёни олинган.

Тадқиқот предмети сифатида Самарқанд давлат университети талаба-қизларининг ноанъанавий машқлар ёрдамида жисмоний тайёргарлигининг мазмуни ва тузилишини ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий-услубий адабиётларни таҳлил этиш ва умумлаштириш, педагогик кўзатув, ижтимоий сўровномалар, жисмоний тарбия бўйича ўқув-услубий мажмуанинг таҳлили, педагогик тажриба математик-статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлигида организмнинг меъерий талабларидан келиб чиқиб, футбол ва тўлдирма тўп воситалари билан бажариладиган машғулотларни функциялари бўйича алоҳида компонентларини блоklarга бирлаштириш ҳисобига интеграциялаш орқали ҳаракат фаоллигини оширишда ноанъанавий ёндашув тизими ишлаб чиқилган;

талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлик даражасидан келиб чиқиб ёшига нисбатан ортиқча вазнга ва вазн етишмовчилиги мавжуд бўлган қизларда “Бодибар” воситаларини саралаш ва тана қисмлари бўйича танлаб йўналтириш эвазига машғулотларни коррекциялаш имконияти такомиллаштирилган;

талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлигида машғулотларнинг тузилиши ва унинг мазмунидан келиб чиқиб мушакларининг таранглашувини ҳисобга олган ҳолда юклама меъёрлари ҳамда интенсивлигини морфо-функционал имкониятларига қараб ауксотоник тартибда мослаштириш эвазига ноанъанавий машғулотлар услубияти такомиллаштирилган;

талаба-қизларнинг ҳаракат кўникма ва малакаларини ошириш учун толиқиш ҳолатидан келиб чиқиб, “Бодибар” воситалари орқали организмни қайта тиклашга қаратилган рекреацион микромашғулотларни ишлаб чиқиш ҳисобига юқори ишчанликни сақлаб туриш имконияти кенгайтирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагидан иборат:

талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлиги ноанъанавий машқлар “Бодибар” воситалари орқали организмни қайта тиклашга қаратилган рекреацион микромашғулотлар ишлаб чиқилган;

шахсга йўналтирилган таълим-тарбия усулларига асосланган ҳолда талаба-қизларнинг индивидуал имкониятларига таянадиган ноанъанавий ёндашув тизими ишлаб чиқилган;

талаба-қизларининг жисмоний тайёргарлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган қайта тиклашга қаратилган рекреацион микромашғулотлар қулай шарт-шароитлар яратиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот олинган натижаларининг ишончлиги назарий-амалий ҳамда услубий, илмий тадқиқотнинг мантикий кетма-кетлиги, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ватанимиз ва чет эл олимлари, амалиётчи мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи омиллар тадқиқот услубларининг

қўлланилганлиги, тажриба синов ишларининг ишончлилиги ҳамда олинган натижаларни математик, статистик таҳлил қилиш услублари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, тадқиқот жараёнида олинган маълумотлар ихтисослашмаган олий таълим муассасаларида таҳсил олувчи талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини жисмоний тарбия воситалари ноанъанавий машқлар ёрдамида жисмоний тайёргарлигини мустақкамлаш ва касалликларни олдини олишни таъминлаш муаммоларига тааллуқли жисмоний тарбия фанини мазмунини бойитади ҳамда кенгайтиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улар асосида ишлаб чиқилган талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш, ортиқча вазнга эга бўлган талаба-қизлар учун ноанъанавий машқлар мажмуалари орқали жисмоний тайёргарлигини ошириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Самарқанд давлат университети талаба-қизларининг жисмоний тайёргарлигини ноанъанавий машқлар орқали ривожлантириш методикаси юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлигида организмнинг меъёрий талабларидан келиб чиқиб ҳаракат фаоллигини ошириш учун ишлаб чиқилган ноанъанавий ёндашув тизими бўйича таклиф ва тавсиялар “Жисмоний тарбия ва спорт” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Самарқанд давлат университети кенгашининг 2020 йил 30 ноябрдаги 4-сон қарорига асосан 248-рақамли гувоҳномаси). Натижада талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлиги ноанъанавий машқлар орқали босқичма-босқич ўзлаштириш учун замин яратилган ва талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлиги ҳолати 10-12% яхшиланган;

талаба-қизларнинг ёшига нисбатан ортиқча вазнга ва вазн етишмовчилиги мавжуд бўлган қизларда коррекциялаш имконияти бўйича таклифлар Самарқанд давлат университетининг турли йўналишларда таҳсил олаётган талаба-қизларнинг “Жисмоний тарбия” машғулотларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 31 январдаги 03-07-08-392-сон маълумотномаси). Натижада талаба-қизларнинг антропометрик ўлчамлари 5,7-7,2 % ошган;

талаба-қизларнинг юклама меъёрларини бажарилаётган иш интенсивлигига мослаштириш эвазига ноанъанавий машғулотлар услубиятидан фойдаланиш имконияти бўйича таклиф ва тавсиялар “Жисмоний тарбия ва спорт” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Самарқанд давлат университети кенгашининг 2020 йил 30 ноябрдаги 4-сон қарорига асосан 248-рақамли гувоҳномаси). Натижада стабилometрик кўрсаткичлари 7-9% га ошган;

“Бодибар” воситалари орқали организмни қайта тиклашга қаратилган рекреацион микромашғулотларни қўллаш бўйича таклифлар Самарқанд давлат университети факультетларда ўтиладиган жисмоний тарбия дарслари ва машғулотлар жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 31 январдаги 03-07-08-392-сон

маълумотномаси). Натижада талаба-қизларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги 12% га ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 2 та халқаро, 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий-услубий иш, жумладан 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 4 та мақола, (3 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузулиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 4 та бобдан иборат бўлиб, 137 саҳифали матн, 7 та расм, 19 та жадвал, хотима, амалий тавсиялар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, диссертация тадқиқотининг олий ўқув юрти илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари кўрсатиб ўтилган, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, диссертациянинг тузулиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Ноанъанавий машқлар ёрдамида талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини ўрганиш бўйича илмий-услубий адабиётлар таҳлили”** деб номланган биринчи бобида ноанъанавий машқлар ёрдамида талаба-қизларнинг соғлиғи ва жисмоний ҳолати даражалари тавсифи, олий ўқув юртларида жисмоний тарбия бўйича ўқув дастурларини ноанъанавий машқлар ёрдамида назорат-норматив таъминоти, олий ўқув юртларида ноанъанавий машқлар ёрдамида талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлик ҳолати устидан педагогик назорат муаммолари ёритиб берилган. Жисмоний тарбияга ихтисослаштирилмаган олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия бўйича машғулотларини ноанъанавий машқлар ёрдамида талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини ўрганиш бўйича масалалари ўз аксини топган.

Адабиёт манбаалари таҳлиliga кўра шу аниқландики, жисмоний тарбия бўйича дарсларнинг асосий қисми анъанавий шакллар, усул ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилади. Маълум бўлишича, олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия бўйича мавжуд ўқув машғулотларида талаба-қизларни жисмоний тайёргарлигини ошириш механизмларини тўла ҳал эта олмайди.

Чет эл адабиётларида олий таълим муассасаларидаги жисмоний тарбия машғулотларида ва спорт тўғаракларида спортга йўналтирилган спорт турларидан фойдаланишга катта ўрин берилгани қайд этилган.

Хорижлик етакчи олимлар [М.М.Боген 1997; А.Н.Берг, 1996; Н.Г.Тхазаспалова, 2001; А.И.Федоров, 2001; М.Я.Виленский, 2003; Д.Ф.Палецкий, 2003; В.Г.Шилько, 2003; Ю.Д.Железняк, 2007] ва бошқалар ўз тадқиқотларида шуни таъкидлайдиларки, жисмоний тарбия машғулотларида спортга йўналтирилган ноанъанавий машқларни қўллаш талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини оширишга самарали таъсир кўрсатади.

Ушбу тадқиқот ишининг муҳимлиги шундаки, ноанъанавий машқлар ёрдамида талаба-қизларни жисмоний тайёргарлигини ошириш бўйича маълумотлар деярли ёритиб берилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланишларнинг заруратини белгилаб беради.

Диссертациянинг **“Тадқиқот усуллари ва уларни ташкиллаштириш”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот услублари, педагогик тажрибани ташкил қилиш ва ўтказиш хусусиятлари, ҳар бир учта тадқиқот босқичлари бўйича ишларни амалга ошириш тузилмаси баён қилинган.

Тажриба олий таълим вазирлигига қарашли Самарқанд давлат университети базасида ўтказилди.

Тадқиқот қуйидаги босқичлардан иборат:

Биринчи босқич – назарий-изланиш босқичи (2017-2018 йй), тадқиқот муаммосининг ҳолатини таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлиб, назарий манбалар, меъёрий ҳужжатлар ўрганиб чиқилди, педагогик кўзатув услублари танлаб олинди, Самарқанд давлат университети турли йўналишларида таҳсил олаётган талаба-қизларининг ноанъанавий машқлар ёрдамида жисмоний тайёргарлигини ошириш мазмуни ва жараёни ўрганилди, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти тўғрисидаги ҳолатлар аниқлаштирилди ҳамда тўлдирилди, тадқиқот мақсади, вазибалари, объекти, предмети шакллантирилди, педагогик тажрибанинг дастлабки дастури ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичи - изланишли-тажрибавий босқич (2018-2019 йй). Ушбу босқичда асосий эътибор талаба-қизларнинг ўқув режаларини таҳлил қилишга қаратилди, талаба-қизлар орасида анкета сўрови ўтказилди ва ноанъанавий машқлар ёрдамида талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш бўйича қўйиладиган талаблар юзасидан уларни тизимлаштириш мақсадида юқори малакали мутахассисларнинг амалий тажрибаси ўрганилди ҳамда умумлаштирилди. Талаба-қизларнинг ноанъанавий машқларни ўқув-машғулотлар жараёнида хатоларнинг намоён бўлишини моделлаштиришга қаратилган машқлар турлари тўғрисидаги маълумотларни объективлаштириш мақсадида педагогик кўзатувлар ўтказилди, Самарқанд давлат университети талаба-қизларининг ноанъанавий машқлар ёрдамида жисмоний тайёргарлигини ошириш жараёнида талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини шакллантириш самарадорлигини оширишнинг тажрибавий услубияти ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг учинчи босқичи – яқунловчи-баҳоловчи босқич (2019-2020 йй). Назорат ва тажриба гуруҳлари ташкил қилинди, асосий педагогик тажриба ва унинг натижаларини баҳолаш амалга оширилди, хулосалар шакллантирилди, тажрибавий услубиятни қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди ва диссертация иши расмийлаштирилди.

Диссертациянинг “Талаба-қизларнинг дастлабки жисмоний тайёргарлигини ошириш ва уни амалиётга татбиқ қилиш” (Самарқанд давлат университети мисолида) деб номланган учинчи бобида талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлиги бўйича дастлабки текширув тадқиқотлари, талаба-қизларининг жисмоний тайёргарлигини ноанъанавий машқлар ёрдамида ошириш услубияти, тажриба синов даврида СамДУ талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси параграфлардан ташкил топган бўлиб, олий таълим мусассасида таҳсил олиётган талаба-қизларнинг жисмоний тарбия дарсларидан ташқари вақтларида жисмоний тайёргарлигини ошириш бўйича қўланиладиган машғулот воситалари ва уларнинг қўланилиш нисбатлари ва машғулот дастури ёритилган.

Тадқиқот ишлари Самарқанд Давлат университетида, талаба-қизларнинг жисмоний тарбия дарсларида, турли хил жисмоний тайёргарлика эга бўлган талаба-қизларнинг машғулотлари давомида олиб борилди.

Тадқиқот ишлари 5 ойлик тажриба икки ярим ойдан иккита босқичга бўлинди. Ҳар бир босқич охирида назорат меъёрлари ва нормативлари талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлиги ҳолатини билиш мақсадида назорат машқларини олиб борилди. Ҳар бир тажриба босқичи учун ноанъанавий машқлар асосида машғулот воситалари танлаб олинди ва машғулот дастури ишлаб чиқилди.

Машғулот воситаларини мазмуни талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлик ҳолатини аниқлаш учун назорат машқларидан олинган маълумотларга қараб олдинги тайёргарликка нисбатан ўзгариши фараз қилинди. Шунинг учун бутун педагогик тажриба жараёнидаги талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш учун умумий дарс машғулот воситалари асосида режалаштирилди.

Тадқиқотдан олдин тажриба ва назорат гуруҳлари талаба-қизларнинг назорат машқларида кўрсатган натижалари фарқи куйдагича бўлди.

30 метрга югуриш машқида назорат гуруҳи талаба-қизларнинг ўртача натижаси 6,3 сонияни, тажриба гуруҳи талаба-қизларининг ўртача натижаси 6,2 см, фарқ 0,1 сонияни ташкил қилди.

1000 метрга югуриш машқида назорат гуруҳи талаба-қизларнинг ўртача натижаси 6 дақиқа 36 сонияни, тажриба гуруҳи талаба-қизларнинг ўртача натижаси 6 дақиқа 24 сонияни, фарқ 0,12 сонияни ташкил қилди.

30 сония мобайнида гавдани кўтариш машқида назорат гуруҳи талаба-қизларнинг ўртача натижаси 12,4 мартани, тажриба гуруҳи талаба-қизларнинг ўртача натижаси 12,6 мартани, фарқ 0,2 мартани ташкил қилди.

Турган жойидан узунликка сакраш машқида назорат гуруҳи талаба-қизларнинг ўртача натижаси 148,4 см, тажриба гуруҳи талаба-қизларнинг ўртача натижаси 149,2 см, фарқ 0,8 смни ташкил қилди.

Тажриба ва назорат гуруҳлари талаба-қизларнинг тадқиқотдан олдинги жисмоний тайёргарлик ҳолати бир хил даражада эканлиги аниқланди (1-жадвалга қаранг).


Тадқиқот бошида назорат ва тажриба гуруҳи талаба-қизларининг жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари қиёсий тавсифи

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар	Педагогика факультети n=34				Амалий математика факультети n=34				Ўзбек филология факультети n=34				Математика факультети n=34			
		I-курс		II-курс		I-курс		II-курс		I-курс		II-курс		I-курс		II-курс	
		\bar{x}	σ	\bar{x}	σ	\bar{x}	σ	\bar{x}	σ	\bar{x}	σ	\bar{x}	σ	\bar{x}	σ	\bar{x}	σ
30 м.га югуриш, сония	НГ	6,1	0,84	5,9	0,74	6,5	0,89	5,8	0,84	6,8	0,83	6,1	0,81	6,6	0,82	6,6	0,89
	ТГ	5,9	0,86	5,8	0,75	6,8	0,95	5,7	0,85	6,9	0,87	6	0,83	6,2	0,8	6,1	0,85
1000 м.га югуриш, дақиқа, сония	НГ	6,12	0,9	6,29	0,84	6,2	0,76	6,24	0,83	6,65	0,88	6,56	0,94	6,34	0,85	6,51	0,94
	ТГ	6,1	0,85	6,31	0,87	6,03	0,77	6,11	0,85	6,54	0,89	6,24	0,93	6,11	0,84	6,52	0,97
Ўртача 30 сония мобайнида гавдани кўтариш, марта	НГ	9,8	1,24	13,7	1,57	10,3	1,16	14,64	1,81	11,4	1,29	13,4	1,64	11,3	1,28	14,9	1,82
	ТГ	10,1	1,31	13,9	1,65	11,1	1,31	14,6	1,84	11,1	1,32	14,1	1,77	12,2	1,44	14,1	1,81
Турган жойидан узунликка сакраш, см	НГ	134	14,46	147,5	15,67	145	15,2	150,8	16,84	146,7	15,66	158	17,8	148	15,8	157,9	17,6
	ТГ	135	14,79	148,1	16,07	146	15,9	151,1	17,47	147	16,05	159	18,6	149	16,3	158,1	18,6

Изоҳ: НГ-назорат гуруҳи, ТГ-тажриба гуруҳи жавдалда назорат гуруҳи маҳражда тажриба гуруҳи талаба-қизларининг тадқиқотдан олдинги натижалари келтирилган.

Талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш бўйича ноанъанавий машқлар ёрдамида бажариладиган машғулот воситаларни табақалаштириш

НОАНЪАНАВИЙ ВОСИТАЛАРИ



1-Расм. Ноанъанавий воситалар орқали талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш бўйича ноанъанавий машқлар мажмуаси

1-расмда талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш бўйича ноанъанавий машқлар ёрдамида бажариладиган машғулот воситалари уч гуруҳга табақалаштирилди.

Тадқиқот жараёнида Самарқанд давлат университетида таҳсил олувчи талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлик даражаси аниқлангандан сўнг, Самарқанд давлат университетида таҳсил олувчи талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш мақсадида биз томонимиздан машғулотларидан ташқари вақтларда беш ойлик машғулот дастури ишлаб чиқилди ва ушбу машғулот дастурига ноанъанавий машқларнинг бажарилиши, ҳажми такрорлашлар сони машғулотларда уларнинг бажарилиш кетма-кетлиги батафсил ёритилган.

Тўлдирма тўп билан бажариладиган машқлар мажмуаси

1. Энгашган ҳолда оёқлар орасидан орқага тўпни улоқтириш (қўл ва бел мушак кучини ривожлантириш учун).
2. Тулдирма тўпни кўкракдан икки қўл билан олдинга улоқтириш (қўл ва елка камар мушак кучини ривожлантириш учун).
3. Ўнг қўл билан кўкрак олдидан тўпни олдинга улоқтириш (ўнг қўл мушак кучини ривожлантириш учун).
4. Чап қўл билан кўкрак олдидан тўпни олдинга улоқтириш (чап қўл мушак кучини ривожлантириш учун).
5. Энгашган ҳолда тўпни олдинга улоқтириш (бел ва қўл мушак кучини ривожлантириш учун).

Фитбол билан бажариладиган машқлар мажмуаси

1. Оёқлар жуфт ҳолда фитбол тўпини олдинга ва бош устига кўтариш (қўл ва оёқ мушак кучини ривожлантиради).
2. Оёқлар елка кенглигида фитбол тўпини ўнг ва чап томонларга кўтариб бурилиш (қорин ва бел мушак кучини ривожлантиради).
3. Қўллар ёрдамида фитбол тўпини куч билан қисиш (қўл ва бармоқлар мушак кучини ривожлантиради).
4. Оёқлар елка кенглигида фитбол тўпини бош орқасига ўтказган ҳолда қўлларини бўкиб ёзиш (қўл мушак кучини ривожлантиради).
5. Қўллар ёрдамида фитбол тўпини куч билан қисиш машқи ҳар ойда 4 кун 8 мартадан 2-3 такрорлашлар орқали бажарилди. Умумий 5 ойлик тайёргарлик жараёнида 800 марта фитбол тўпини қўллар ёрдамида қисиш машқи бажарилди.

Бодибар билан бажариладиган машқлар мажмуаси

1. Бодибар таёқчасини қўлга ушлаган ҳолатда олдинга энгашиш ва туриш (қўл, қорин ва бел мушак кучини ривожлантиради).
2. Бодибар таёқчасини бош орқасига ушлаган ҳолда ён томонларга энгашиш (қорин ва бел мушак кучини ривожлантиради).
3. Бодибар таёқчасини бош орқасига ушлаган ҳолда ўтриб туриш (қўл, оёқ ва бел мушак кучини ривожлантиради).
4. Бодибар таёқчасини ушлаган ҳолда ўнг оёққа утириб туриш (ўнг оёқ мушак кучини ривожлантиради).
5. Бодибар таёқчасини ушлаган ҳолда чап оёққа утириб туриш (чап оёқ мушак кучини ривожлантиради).

**Талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш бўйича ноанъанавий машқлар ёрдамида
бажариладиган машғулот дастури**

№	Машқлар мазмуни	Бажариш вақти	1 дақиқа ЮҚС	Шиддат балларда	Бажарилаётган иш зонаси	Дам олиш вақти	Такрорлашлар сони
Тўлдирма тўп билан бажариладиган машқлар, сони меъёри							
1	Энгашган ҳолда оёқлар орасидан орқага тўпни улоқтириш	1-2 дақ. ва ундан ортик	120-130	1-2	2	Машқлар орасида 0.5 дақ, сериялар орасида 0.5-1.0 дақ.	8-10 сериядан иборат, 2-3 марта такрорланади.
2	Тўлдирма тўпни кўкракдан икки қўл билан олдинга улоқтириш	2-3 дақ. ва ундан ортик	120-125	2-3	3	Машқлар орасида 1.0 дақ, сериялар орасида 1.0-1.5 дақ.	10-12 сериядан иборат, 3-4 марта такрорланади.
3	Ўнг қўл билан кўкрак олдидан тўпни олдинга улоқтириш	1-2 дақ. ва ундан ортик	115-119	2-3	2	Машқлар орасида 1.0 дақ, сериялар орасида 1.0-1.5 дақ.	8-10 сериядан иборат, 2-3 марта такрорланади.
Фитбол билан бажариладиган машқлар, сони меъёри							
4	Оёқлар жуфт ҳолда фитбол тўпни олдинга ва бош устига кўтариш	2-3 дақ. ва ундан ортик	120-125	2-3	3	Машқлар орасида 0.5 дақ, сериялар орасида 0.5-1.0 дақ.	6-8 сериядан иборат, 2-3 марта такрорланади.
5	Оёқлар елка кенлигида фитбол тўпини ўнг ва чап томонларга кўтариб бурилиш	3-4 дақ. ва ундан ортик	120-130	1-2	3	Машқлар орасида 0.5 дақ, сериялар орасида 1.0-1.5 дақ.	6-8 сериядан иборат, 3-4 марта такрорланади.
6	Қўллар ёрдамида фитбол тўпини куч билан қисиш	1-2 дақ. ва ундан ортик	110-120	2-3	2	Машқлар орасида 1.0 дақ, сериялар орасида 0.5-1.0 дақ.	8-10 сериядан иборат, 2-3 марта такрорланади.
Бодибар воситалари билан бажариладиган машқлар, сони меъёри							
7	Бодибарни таёқчасини қўлга ушлаган ҳолатда олдинга энгашиш ва туриш	2-3 дақ. ва ундан ортик	120-125	1-2	2	Машқлар орасида 0.5 дақ, сериялар орасида 0.5-1.5 дақ.	6-8 сериядан иборат, 2-3 марта такрорланади.
8	Бодибарни бош орқасига ушлаган ҳолда ён томонларга энгашиш	3-4 дақ. ва ундан ортик	110-120	2-3	2	Машқлар орасида 1.0 дақ, сериялар орасида 1.0-1.5 дақ.	8-10 сериядан иборат, 3-4 марта такрорланади.
9	Бодибарни бош орқасига ушлаган ҳолда ўтириб туриш	1-2 дақ. ва ундан ортик	120-125	2-3	2	Машқлар орасида 0.5 дақ, сериялар орасида 0.5-1.0 дақ.	8-10 сериядан иборат, 2-3 марта такрорланади.

Изоҳ: Талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш бўйича ноанъанавий машқлар ёрдамида бажариладиган машғулот дастури диссертацияда тўлиқ берилган.

Тўлдирма тўп билан бажариладиган машқлар сони ва меъёри мажмуаси

Энгашган ҳолда оёқлар орасидан орқага тўпни улоқтириш машқи ҳар ойда 5 кун 8 мартадан 3-4 такрорлашлар орқали амалга оширилди. Умумий 5 ойлик тайёргарлик жараёнида 800 марта улоқтириш амалга оширилди.

Тулдирма тўпни кўкракдан икки қўл билан олдинга улоқтириш машқи ҳар ойда 4 кун 8 мартадан 3-4 такрорлашлар орқали амалга оширилди. Умумий 5 ойлик тайёргарлик жараёнида 640 марта олдинга улоқтиришлар бажарилди.

Ўнг қўл билан кўкрак олдидан тўпни олдинга улоқтириш машқи ҳар ойда 6 кун 10 мартадан 3-4 такрорлашлар орқали амалга оширилди. Умумий 5 ойлик тайёргарлик жараёнида 1200 марта олдинга улоқтириш машқи бажарилди.

Фитбол билан бажариладиган машқлар, сони меъёри

Оёқлар жуфт ҳолда фитбол тўпни олдинга ва бош устига кўтариш машқи ҳар ойда 6 кун 8 мартадан 3-4 такрорлашлар орқали бажарилди. Умумий 5 ойлик тайёргарлик жараёнида 960 марта фитбол тўпини бош устига кўтариш машқи бажарилди.

Оёқлар елка кенглигида фитбол тўпини ўнг ва чап томонларга кўтариб бурилиш машқи ҳар ойда 6 кун 10 мартадан 3-4 такрорлашлар орқали бажарилди. Умумий 5 ойлик тайёргарлик жараёнида 1200 марта фитбол тўпини ўнг ва чап томонларга бурилиш машқи бажарилди.

Қўллар ёрдамида фитбол тўпини куч билан қисиш машқи ҳар ойда 4 кун 8 мартадан 2-3 такрорлашлар орқали бажарилди. Умумий 5 ойлик тайёргарлик жараёнида 800 марта фитбол тўпини қўллар ёрдамида қисиш машқи бажарилди.

Бодибар воситалари билан бажариладиган машқлар, сони меъёри

Бодибарни таёқчасини қўлга ушлаган ҳолатда олдинга энгашиш ва туриш машқини ҳар ойда 2 кун 4 мартадан 1-2 такрорлашлар орқали бажарилди. Умумий 5 ойлик тайёргарлик жараёнида 80 марта бодибар тайёқчасини олдинга энгашиб туриш машқи бажарилди.

Бодибарни бош орқасига ушлаган ҳолда ён томонларга энгашиш машқи ҳар ойда 2 кун 4 мартадан 1-2 такрорлашлар орқали бажарилди. Умумий 5 ойлик тайёргарлик жараёнида 80 марта бодибар тайёқчасини ушлаган ҳолда ён томонга энгашиш машқ бажарилди.

Бодибарни бош орқасига ушлаган ҳолда ўтириб туриш машқи ҳар ойда 2 кун 1 мартадан 1-2 такрорлашлар орқали бажарилди. Умумий 5 ойлик тайёргарлик жараёнида 20 марта ўтриб туриш машқи бажарилди.

Адабиётлар таҳлили, педагогик кузатувлар ҳамда кўп йиллик амалий фаолиятимиз натижалари асосида. Биз томонимиздан Самарқанд давлат университети талаба-қизларининг жисмоний тайёргарлигини ошириш учун 5 ойлик ва машғулот дастури ишлаб чиқилди ҳамда ушбу дастур асосида тажриба тадқиқот ишлари ўтказилди.

Диссертациянинг “Талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини ноанъанавий машқлар мажмуаларини ишлаб чиқиш ва тавсиялар самарадорлигини тажрибавий асослаш” (Самарқанд давлат университети мисолида) деб номланган тўртинчи бобида машғулотлардан сўнг бодибар воситалари орқали организмни қайта тиклаш учун микро машғулот дастури, талаба-қизларнинг тадқиқотдан кейинги жисмоний тайёргарлик ҳолати ҳамда эришилган натижаларнинг нисбий ўсиш кўрсаткичлари кенг ёритилган маълумки, жисмоний машқлар билан тартибли ва мунтазам равишда шуғулланилган ҳолатдагина талаба-қизларнинг ҳаракат кўникма ва малакаларини ошириш учун толиқиш ҳолатидан келиб чиқиб “Бодибар” воситалари орқали организмни қайта тиклаш рекреацион микромашғулотлари ижобий таъсир кўрсатади.

Қуйдаги расмда шуни кўришимиз мумкинки талаба-қизларнинг ўқув машғулотлардан ташқари вақтларда ҳафтасига уч кун душанба, чоршанба ва жума кунлари машғулотни ташкиллаштириш режалаштирилган. Дастурда ҳар бир машғулот учун 14 та машқлардан иборат ноанъанавий машқлар тавсия этилган. Ҳар бир машғулотлардан сўнг ноанъанавий машқлар “Бодибар” воситалари орқали организмни қайта тиклаш рекреацион микромашғулотларни ишлаб чиқиш йўналиши бўйича тақсимланган бодибар билан бажариладиган машқлар 2-4 тадан машқлар кетма-кетлигида бажарилиши ва хажми такрорлашлар сони тақсимланган.

Бодибар билан бажариладиган машқлар мажмуаси, сони меъёри

Бодибарни таёқчасини қўлга ушлаган ҳолатда олдинга энгашиш ва туриш машқини ҳар ойда 2 кун 4 мартадан 1-2 такрорлашлар орқали бажарилди. Умумий 5 ойлик тайёргарлик жараёнида 80 марта бодибар тайёқчасини олдинга энгашиб туриш машқи бажарилди.


Бодибарни бош орқасига ушлаган ҳолда ён томонларга энгашиш машқи ҳар ойда 2 кун 4 мартадан 1-2 такрорлашлар орқали бажарилди. Умумий 5 ойлик тайёргарлик жараёнида 80 марта бодибар тайёқчасини ушлаган ҳолда ён томонга энгашиш машқ бажарилди.

Бодибарни бош орқасига ушлаган ҳолда ўтириб туриш машқи ҳар ойда 2 кун 1 мартадан 1-2 такрорлашлар орқали бажарилди. Умумий 5 ойлик тайёргарлик жараёнида 20 марта ўтриб туриш машқи бажарилди.

Бодибар таёқчасини ушлаган ҳолда ўнг оёққа ўтириб туриш машқи ҳар ойда 2 кун 4 мартадан 1-2 такрорлашлар орқали бажарилди. Умумий 5 ойлик тайёргарлик жараёнида 80 марта бодибар тайёқчасини ушлаган ҳолда ўтриб туриш машқи бажарилди.

Бодибар таёқчасини ушлаган ҳолда чап оёққа ўтириб туриш машқи ҳар ойда 2 кун 4 мартадан 1-2 такрорлашлар орқали бажарилди. Умумий 5 ойлик тайёргарлик жараёнида 80 марта бодибар тайёқчасини ушлаган ҳолатда ўнг оёққа ўтириб туриш машқи бажарилди.

МАШҒУЛОТЛАРДАН СЎНГ БОДИБАР ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ ОРГАНИЗМНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ УЧУН



2-расм. Жисмоний машғулотлардан сўнг бодибар воситалари орқали организмни қайта тиклаш учун машқлар

Тадқиқот жараёнида Самарқанд давлат университетидида таҳсил олувчи талаба-қизларнинг жисмоний тайёргарлик даражаси аниқлангандан сўнг чарчоқ ва қайта тикланиш учун, биз томонимиздан машғулотларидан сунг “Бодибар” воситалари орқали организмни қайта тиклаш, рекреацион микро машғулотлари дастури ишлаб чиқилди ва ушбу машғулот дастурига ноанъанавий машқларнинг бажарилиши, ҳажми такрорлашлар сони машғулотларда уларнинг бажарилиш кетма-кетлигини 2-расмда батафсил келтирилган.

Тадқиқот охиридаги назорат ва тажриба гуруҳи талаба-қизларининг жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари қиёсий тавсифи

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар	Педагогика факультети n=34				Амалий математика факультети n=34				Ўзбек филология факультети n=34				Математика факультети n=34			
		I-курс		II-курс		I-курс		II-курс		I-курс		II-курс		I-курс		II-курс	
